# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «6» 7 | 2022-185-11-153-ОВ-сон | Бешариқ шахри

"BM AZIMSTROY" МЧЖ бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан харакат килувчи бошлик шахсидан С.Купасов ва Бешариқ туман Ободонлаштириш бошкармаси бундан буён «БУЮРТМАЧИ»деб юритулувчи амалдаги низомга асосан харакат килувчи бошлик шахсидан Н.Насипов ушбу шартномани куйидагилар тугрисида тузадилар.

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1«ПУДРАТЧИ» уз кучи, транспорт воситалари ва механизмлари билан «БУЮРТМАЧИ» га карашли **“Фарғона вилояти Бешариқ тумани Қум МФЙ Тараққиёт кўчасини – 1.0 км қисмини жорий таьмирлаш ”** шартномага илова килинувчи сметага мувофик жорий тамирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя килган холда таьмирлаш мажбуриятлари уз зиммасига олади.
1.2 «ПУДРАТЧИ» тегишли проект-смета хужжатларига мос холда «БУЮРТМАЧИ» томонидан биноларни таьмирлаш ишларини келишилган вактда бажариш ва уни камчиликларсиз тулик тайёр холда уз муддатида «БУЮРТМАЧИ» га топширишни уз зиммасига олади.
1.3 «ПУДРАТЧИ» иш бажариш вактида курилиш монтаж ва таьмирлаш ишлари учун кетадиган курилиш материалига ва ишчи кучини уз хисобидан узи таминлайди.
1.4 «ПУДРАТЧИ» томонидан килинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «БУЮРТМАЧИ» узининг мутахасислари иштирокида кабул килиб олади.

## 2.ШАРТНОМА БАХОСИ.

1.Шартноманинг умумий бахоси 382 044 541 (уч юз саксон икки миллион кирк турт минг беш юз кирк бир) сўмни ташкил килади.
2.2 Шартнома бахоси уз ичига КМИ материаллар бахоси тафовутини олади.

## 3.ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 Ушбу шартнома буйича «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» хисоб ракамига 30% аванс туловини утказиб беради.
3.2 Тулов шакли «ПУДРАТЧИ» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиклангандан сунг солиштирма далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг хисоб ракамига тугридан тугри пул утказиб беради.
3.3 Шартнома буйича охирги хисоб-китоб иш тулик тамомлангандан сунг 20 кундан кечиктирмай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1 «ПУДРАТЧИ» ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларини 30-кун муддатда бажаради.
4.2 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» томонидан бажарилган ишга бажарилган ишлар хужжатлари тула тасдиклангандан сунг 30 кун ичида хак тулайди, ёки ёрдамчи «Пудратчи» нинг розилик хатига асосан «Пудратчи» дан мавжуд булган курилиш материаллари билан хисоб-китоб килинади.
4.3 Шартнома 2022 йил 30-июндан 2022 йил 31-декабргача амал килади.

## 5.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 «ПУДРАТЧИ».
5.1.1 Уз кучи техника воситаси билан календар иш режаёнида назарда тутилган барча ишларни тула хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «БУЮРТМАЧИ» га меёрий хужжатлар талабига ва коидалар асосида топшириш:
5.1.2 Обектга лойихага биноан булган материалларни конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш тушириш тахлаш хамда саклашни амалга ошириш:
5.1.3 Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномаги тузганини тугрисида «БУЮРТМАЧИ» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таьминлаш.

5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обектни курилиши буйича зарур чора тадбирларини бажарилишини таьминлаш:
5.1.5 «ПУДРАТЧИ назорати туловларидан келиб чиккан ортикча иш хаки хажми учун жавоб бермайди.
«ПУДРАТЧИ» (елланма) ташкилотлар узлари бажарган иш хажмлари учун узлари жавоб бериш мажбуриятини олади.
5.2 «БУЮРТМАЧИ»
5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажми «ПУДРАТЧИ» га топшириш;
5.2.2 У шартномани 1-булимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган микдорда ва муддатда «ПУДРАТЧИ» га хак тулаш;
5.2.3 «ПУДРАТЧИ» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичида обектни кабул килиш мажбуриятларини олади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Тарафлар шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга кечиктирилган хар бир кун учун шартнома бахосининг 0.5% хисобида пеня тулайди лекин шартноманинг 2,1 бандида курсатиб утилган сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.
6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган холларда айбдор тараф бошка тарафга бой берилган фойдани кущиб курган зарарни коплайди.
6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хухукий бартараф етишдан озод этмайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Тарафларни биронтаси хам ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларни эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин. Булмаган холатлар бундан уруш эьлон килиниши ёки амалда бошланганлиги фукоролик тартибсизлиги, вабо таркалиши, блокада, эмбарго, эр кемириши сув тошкини ёнгинни ва бошка табиий холатлар билан боглик холда бажармаганлиги учун жавобгар булмайди.
7.2 Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавчудлиги ёки амалда давом этмаганлиги Узбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлари томонидан берилган гувохномалар унинг етарли даражасидаги тасдиги хисобланади.
7.3 Уз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажариш унинг тьсир курсатиш ёки монелик килиш тугрисида бошка тарафга имкон кадар тез хабар бериш лозим.
7.4 Агар бартараф килиб булмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам тасир этаётган булса ва тугаш белгилари аникланмаса ижара берувчи шартнома бекор килиши мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1 Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан пайдо булган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокара йули билан хал килинади.
8.2 Агар келишмовчиликлар музокара йули билан хал килиб булмаса, улар конкн хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида курилиши лозим булади.

## 9.ШАРТНОМАГА КУШИМЧА ВА УЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРИТИБИ.

9.1 Ушбу шартнома хар кандай киритиладиган кушимча ва узгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар иккала томон имзолаган холларда сунг конуний кучга эга булади.
9.2 «БУЮРТМАЧИ» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хаклидир:
9.2.1 «ПУДРАТЧИ» нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 1 (бир) ой ун (10) кунга ошиб кетганда.
9.2.2 «ПУДРАТЧИ» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида курсатилган ишларини сифати пасайганда.
9.3 «ПУДРАТЧИ» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли;
9.3.1 «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» га боглик булмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;
9.3.2 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха хужжатларини узгартиришлар киритиш билан боглик холда ишларни бахоси 50% кунига камайганда.
9.3.3 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик курилиш молиялаш имконияти йукотилганда.
9.4 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинади. «БУЮРТМАЧИ» эса «ПУДРАТЧИ» га улар томонидан аникланган бажарилган ишлар хажми кийматини тулайди.
9.5 Шартнома бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

## 10.БОШКА ШАРТЛАР.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: EB66330826

10.1 «ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва коидалар буйича бажарилган ишлар сифатига 1-йил муддатга кафолат беради. Ушбу бандга риоя килинмаган холларда бажарилган ишлар шартномавий кийматининг 2 баробари микдорида жарима тулайди.
10.2 Хар иккала томон Узбекистон Республикаси конунлари доирасида фаолият курсатадилар.
10.3 Мазкур шартнома 2022 йил 31-декабргача амал килади

## 11.ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТУЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

« Пудратчи»

"BM AZIMSTROY" МЧЖ

(иш бажарувчининг номи)

: __Бешарик тумани Шур кишлоги
__Тел:+99893 220 11 10 +998 94 558 11 12
кс: х/р 20208000805421244001
ара СТИР 308743644 ОКЭД 42110
ми: ТИФ Миллий банк Бешарик филиали
МФО 00545
:

______________________ С.Купасов
( имзо )

O'ZB.RESP. FARG'ONA VIL. BESHARIQ TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI BM AZIMSTROY

« Буюртмачи »

**Бешариқ тумани Ободонлаштириш бошкармаси**

( бюджетдан маблағ олувчининг номи )

Манзил: Бешариқ ш.О.Водий кучаси

Тел./факс: + 998939783474
ш/ҳ*:401722860302157065200110006
СТИР: 206994051 ОКЭД:
Бешариқ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи:Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б.
МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919

Раҳбар: ___ ___Н.Насипов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

**06.07.2022 yil**

**Beshariq tuman**
**Obodonlashtirish boshqarmasi**

**XULOSA**
*(Obodonlashtirish boshqarmasining shartnoma loyihasiga)*

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2.Loyhaning nomi:** "Joriy ta'mirlash to'g'risida"gi shartnoma.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beshariq tuman Obodonlashtirish boshqarmasini tomonidan 2022 yil 4 iyul kuni ishlab chiqilib va shu kuni markazga taqdim qilingan.

Beshariq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi hamda "BM AZIMSTROY" MChJ o'rtasida joriy yo'l tamirlash to'g'risidagi 382 044 541 (Uch yuz sakson ikki million qirq to'rt ming besh yuz qirq bir) so'mlik shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyayining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi Qonunining 10-moddasi (Xo'jalik shartnomasiga nisbatan qoyiladigan talablar)ga muvofiq ishlab chiqilgan.

Beshariq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi Qum MFY "Taraqqiyot" ko'chasini 1.0 km qismini joriy ta'mirlash xizmati (smeta ekspertiza xulosasiga asosan e'longa joylashtirilgan) O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari tu'g'risida"gi 684-sonli Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2018 yil 26 mayda №3016-son bilan ro'yhatdan o'tkazilgan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizom va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 02-iyuldagi PQ-5171-sonli "Davlat xaridlari shaffofligini ta'minlash va samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora tadbirlar to'grisida"gi qarorini ijrosini ta'minlash maqsadida Respublika tovar hom-ashyo birjasining "xarid.uz" saytidagi obodonlashtirish boshqarmasining shaxsiy kabineti orqali № 109328-lot raqami bilan 2022 yil 27 iyun kuni e'lon joylashtirilgan.

Obodonlashtirish boshqarmasining № 109328-lot raqami bilan o'tkazilgan tanlov bo'yicha O'zbekiston Respublika tovar-hom birjasi "UZEX" maxsus portali

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: FB82465367 18

o'rganilganda, 27.06.2022 yil kuni bayonnoma rasmiylashtirilgan bo'lib, tanlov natijalariga ko'ra Beshariq tuman yo'llardan foydalanish unitar koxonasi g'olib deb topilgan va "BM AZIMSTROY" MChJ zaxiradagi ijrochi deb topilgan.

№ 109328-lot raqamli e'lon bo'yicha ishlarni bajarish go'lib tomonidan rad etiganligi sababli zaxiradagi ijrochi "BM AZIMSTROY" MChJ ishlarni bajarishi ko'rsatilgan.

Shartnoma loyihasiga Beshariq tuman Obodonlashtirish boshqarmasining 2022 yil 27 iyun kungi ajratilgan mablag'lardan oqilona va samarali foydalanish hamda tovarlar, ish, xizmatlarni bajarish maqsadidagi tanlov komissiyasining yigilish bayoni, №109328-lot raqamli e'lon bo'yicha takliflar, Farg'ona viloyati Beshariq tumani hokimining 2022 yil 18 apreldagi № 59-39-153-K/22 sonli qarori ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

**XULOSA**

Beshariq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan taqdim etilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq.

**Markaz Bosh yuristkonsulti:** **F. Jo'rayev**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Бешариқ тумани Ободонлаштриш бошкармаси бошлиғи (комиссия раиси)**
____________ **Н.Насипов**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2022 йил 20 майдаги Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги қарори ва Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-моддасининг 7-хатбошисига кўра Бешариқ тумани Ободонлаштириш бошкармаси томонидан Кум МФЙ Таракиёт кучасини 1,0 км йулини жорий таьмирлаш лот№ 221100121095828 бўйича танлов комиссиясининг мухокама натижалари юзасидан**

**15-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил “04” июль соат 18.48 Бешариқ шаҳри

**Танлов комиссияси иштирокчилари:**

Н.Насипов - Ободонлаштириш бошкармаси бошлиги икомиссия раиси;

Б.Пирназаров - Ободонлаштриш бошкармаси хисобчиси танлов комиссияси аъзоси;

Д.Фоттаев - Ободонлаштриш бошкармаси Омборчиси танлов комиссияси аъзоси;

З.Алиматов - Ободонлаштриш булими бошлиги, танлов комиссияси аъзоси;

Б.Илхомжонов - Ободонлаштриш бошкармаси кукаламзорлаштриш мутахасиси танлов комиссияси аъзоси;

**Йиғлиш кун тартибидаги кўриладиган масала;**

2022-йилда etender.uzex.uz лот№108312 рақами билан **Бешариқ тумани Ободонлаштириш бошкармаси томонидан Кум МФЙ Таракиёт кучасини 10 км йулини жорий таьмирлаш** лот№ 221100121095828 учун 22.06.2022 йилдан 27.06.2022 йилгача бўлган вақтда порталга жойлаштирилган. Танловда 2 (икки) нафар иштирокчи

қатнашди булар 1..Бешарик тумани йул булими, 2 ”.BM AZIMSTROY” МЧЖ билан Танлов утказилди. 2 иш кунига мухкамага жойлаштирилди. Шу 2 иш куни давомида хеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Танлов буйича 1 голиб Бешарик тумани йул булими шартнома тузишдан бош торди. Танлов баённомаси буйича захирадаги иккинчи иштирокчи 27.06.2022 йил куни танлов комиссияси аъзолари томонидан 2 чи иштирокчи BM AZIMSTROY” МЧЖ ғолиб деб топилди ва 27.06.2022 йил соат 18:48 да электрон баённома расмийлаштирилди

**Н.Насипов** ________________

**Б.Пирназаров** ______________

**Д.Фоттаев** __________________

**З.Алиматов**_________________

**Б.Илхомжонов**____________________